

## Инсон зоти таъмагир. Ибодатларни «Холисанлиллох» деб ният қилса ҳам барибир...

21:20 / 27.04.2016 4601

**САВОЛ** - Инсон зоти таъмагир. Ибодатларни «Холисанлиллох» деб ният қилса ҳам барибир Аллоҳдан ниманидир таъма қилиб туради. Бу дунё неъматларини сўрамаса ҳам жаннат умидида ибодат қилиши муқаррар. Бу ҳам таъма эмасми? Мутлақо холис ибодат бўладими? Масалан: Сўфий аёл Робия ал-Адавия 5-жуз, 38-бобда Родия Ибни Кааб ал-Асавий ҳақида сўз боради ўша зотмикин, айтганидек: «Агар мен дўзах азобидан қўрқиб Сенга ибодат қилсам, мени дўзахга куйдир, мабодо жаннат илинжида сиғинсам, мени у ердан қув, мадомики, Сенинг ўзинг учун хизмат қилар эканман, мenden жамолингни яширма. Бертелснинг «Суфизм и суфийская литература» китобидан таржима қилинган.

**ЖАВОБ** - Бу ерда 5-жуз, 38-бет дегани “Ҳадис ва ҳаётни” 5 жузи Робия Ибни Кааб ал-Асавий дебди, ва буни Робия ал-Адавия билан алмаштириб юборган савол эгалари. Робия ал-Адавия бошқа, Робия Ибни Кааб ал-Асавий бу эркак киши, Робия ал-Адавия аёл киши, мутлақо нотўғри нарсалар адаштириб қўйибдилар майли. Бу ерда Аллоҳ учун деб ният қилса ҳам таъма қилади. Аллоҳни билган, Аллоҳни яхши таниган зотлар, кишилар мўмин-мусулмонлар Аллоҳдан бир нарсани умидини қилса таъма бўладими “таъма” тушунчаси инсонлар орасидаги нарса. Бойдан пул, мол, амалдордан қандайдир амал ёки бошқа нарсани умид қилиш таъма бўлади. Лекин банда “ўзининг Роббисидан, Холиқидан бир нарса сўраса, умид қилса, бу сўров” бўлади, у илтижо бўлади, таъма бўлмайди. Зотан Аллоҳ ана шу бандаларига неъмат берувчи Зот сифати шу, бори шу. Аллоҳдан сўрамаса, Аллоҳдан умид қилмаса кимдан қилади, мана шу ҳолат. Энди Робия ал-Адавия ва у кишига ўхшаганларни байтларида Аллоҳга яқинлик, Аллоҳнинг розилигию, ва Аллоҳнинг жамолига бўлган иштиёқни кучлик эканлиги. Қилинаётган ибодат, тақво фақат дўзах азобидан қутулиш ёки жаннатни неъматларига эришишдек нарса билан чегараланиб қолмасдан ундан юқори, ундан юксак бўлган нарса Аллоҳнинг жамолига эришиш ишитёқи зўр эканлиги кўриниб турибди. Аллоҳнинг жамолига эришиш, банданинг энг юқори чўққидаги орзуси, умиди. Аллоҳнинг жамолига эришдими, бу жаннатни энг юқори чўққисидан ҳам

юқорига чиққан бўлади, дўзахни мутлақо яқинига бормайдиган бўлади. Ана ўшандек олий мақомни истаган инсон кичкиналарини айтиб ўтирмайди. Чунки ўз-ўзидан ҳал бўладиган нарса.